

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.V.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАИМОВ АЗИЗБЕК СУЛТАНКУЛОВИЧ

ТОРҚОПЧИҒАЙ БОТАНИК–ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАКУЛТАТИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Абдураимов Азизбек Султанкулович

Торкопчиғай ботаник-географик райони флораси..... 5

Абдураимов Азизбек Султанкулович

Флора Таркапчиғайского ботанико-географического района.....21

Abduraimov Azizbek Sultankulovich

Flora of the Tarkapchigai botanical–geographical region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАИМОВ АЗИЗБЕК СУЛТАНКУЛОВИЧ

ТОРҚОПЧИҒАЙ БОТАНИК–ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2021.3.PhD/В236 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетига бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.botany.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Тожибаев Комилжон Шаробитдинович биология фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Хасанов Фуркат Орунбасвич биология фанлари доктори, профессор Қодиров Ғайрат Урокбосвич биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация химояси Ботаника институти хузуридаги DSc 02/30.12.2019.В.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “17” декабрь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дурмон йули кўчаси, 32-уй, Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (45-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дурмон йули кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2021 йил “29” ноябрь куни тарқатилди
(2021 йил “29” ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



О.К. Хожиматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
б.ф.д., профессор

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Х.Ф. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда антропоген омилларнинг табиий экотизимларга бўлган таъсир қўламининг кескин ошиши биологик хилма-хилликнинг қисқариши ва унинг инкирозини келтириб чиқармоқда. Салбий таъсирларга мойил бўлган флора объектларини муҳофазалашнинг самарадор ечимларини ишлаб чиқишда улар тўғрисидаги замонавий ахборотларни шакллантириш муҳим саналади. Шунга қўра, миллий флоралар таркибини инвентаризациялаш, эндем ва камайиб бораётган турларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш ва уларни сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда турли ботаник-географик районлардаги маҳаллий флораларнинг тур бойлигини аниқлаш, муҳофазага муҳтож худудларнинг чегарасини белгилаш ва уларни табиий ўсиш шароитларида сақлаб қолишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан, миллий флоралар базаси шакллантирилди, флорани инвентаризациялашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди, камёб турларни сақлаб қолишнинг самарадор усуллари жорий этилди. Таъкидлаш лозимки, ҳозирда экотизимларда рўй бераётган кескин ўзгаришлар миллий ва халқаро миқёсда алоҳида аҳамиятга эга бўлган флористик худудларни белгилаш, уларнинг генезисини асослаш ва муҳофазалаш тадбирларини йўлга қўйишни белгилаб бермоқда. Айниқса, маҳаллий эндем ва реликт турларнинг бой таркибига эга минтақаларнинг таксономик хилма-хиллигини аниқлаш, ботаник-географик худудлар хусусиятларини очиб бериш, мавжуд маҳаллий флораларни глобал миқёсда ўсимликлар генофондини сақлаб қолишдаги ўрнини қиёсий баҳолашга имкон беради. Бу ўринда, кам ўрганилган маҳаллий флораларни даврий равишда хатловдан ўтказиш, турларнинг замонавий тарқалишини акс эттирувчи геоахборот тизимидаги хариталар яратиш, рақамли маълумотлар базаларини тузиш, камёб, эндем ва муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган турларнинг ҳолатини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамызда ўсимлик дунёси объектларини инвентаризациялаш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, республиканинг ботаник-географик районлари флоралари аниқланди, камёб ва иқтисодий аҳамиятга эга гуруҳларининг кадастрини юритиш йўлга қўйилди, камёб турларни *in situ* ва *ex-situ* усулда сақлаб қолиш амалиёти жорийлаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ " ... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш" вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон табиий флораси, жумладан, Ғарбий Ҳисор округидаги Торқопчиғай ботаник-географик райони флорасининг замонавий рўйхатини шакллантириш, маълумотлар базасини яратиш ва камёб турларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони

муҳофазалаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги №1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юриштишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва агроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли йирик маъмурий ва биогеографик ҳудудлар флорасини комплекс таҳлили ва уларни замонавий концептини тузишга қаратилган тадқиқотлар хорижлик олимлар D.S. Huskins (2010), L. Peruzzi et al., (2014), G. Mateo et al., (2015), A.C. Buira et al. (2017), R. Hand (2019), Barbosa-Silva et al. (2020); эндем ва йўқолиб бораётган турлар ва уларнинг тарқалиш хариталари бўйича V.Sarasan et al., (2006), E.Laguna et al. (2016) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида ҳам бу каби тадқиқотларнинг замонавий кўриниши А.В. Леострин (2019), Р.Б Шанмак (2019), П.В Кондратков (2019), В.М.Валюков, С.В.Саксонов (2020) ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ҳозирга кунга калдар Ғарбий Ҳисор округи Торкопчиғай ботаник–географик райони ва унга ёндош бўлган минтакалардан флоранинг замонавий концептини шакллантиришга қаратилган мақсадли тадқиқотлар олиб борилмаган. Торкопчиғай ва унга ёндош бўлган ҳудудларда С.Н. Кудряшев (1941), Т.В. Овчинникова (1955), С.М. Мустафаев (1966), Ў.Алланазарова (1969), Б.Э. Хўжамкулов (1998) каби олимлар томонидан айрим йўналишдаги тадқиқотлар олиб борилган. 2016-2017 йилларда ЎЗР ФА Ботаника институти олимлари томонидан “Кадастр редких и исчезающих видовсосудистых растений и позвоночных животных Кашкадарьинской области” номли амалий лойиҳа доирасида Торкопчиғай флораси учун 942 тур келтирилган. 2018 йилда Тожибаев ва бошқалар “Кадастр флоры Узбекистана: Кашкадарьинская область” монографиясида дала тадқиқотлари, гербарий намуналари ва адабиётлардаги маълумотлар асосида Торкопчиғай райони учун 65 оила, 362 туркумга мансуб 937 тур келтирилган.

Ўзбекистоннинг ботаник–географик районлаштириш схемасида (Тожибаев, 2016), Торкопчиғай кам ўрганилган худудлар қаторига киритилган. Бу эса Торкопчиғай ботаник–географик райони флорасининг тур таркибини аниқлаш ва унинг Ғарбий Ҳисор округидаги ўрнини аниқлашни тақозо этади. Бу нуқтаи назардан флоранинг замонавий концептини тузиш, кенг қўламли таҳлилларини амалга ошириш, худуднинг ботаник–географик чегараларини асослаш ҳамда рақамли маълумотлар базасини яратиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ВА-ФА-Ф5 “Ўзбекистон табиий флорасининг икки уруғпаллали ўсимликларининг систематикаси” (2017–2020), ПЗ-20170925347 “Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник худудларни аниқлаш” (2018–2020) мавзуларидаги фундаментал ва амалий амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Торкопчиғай ботаник-географик райони флорасининг тур таркибини аниқлаш ва флоранинг ўзига хос хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Торкопчиғай ботаник–географик райони флорасининг замонавий концептини тузиш;

флоранинг таксономик, ареологик, биоморфологик таҳлилларини амалга ошириш ҳамда баландлик минтақалар бўйича тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

флоранинг камёб, эндем ва муҳофазага муҳтож турларининг таркибини аниқлаш;

флорада тарқалган турларнинг тарқалишини ақс эттирувчи тўр тизимли харитасини ишлаб чиқиш;

флоранинг рақамли маълумотлар базасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Торкопчиғай ботаник–географик райони флорасининг юксак ўсимликлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Торкопчиғай ботаник–географик райони флорасининг концепти, таксономияси, географияси, флоранинг киёсий таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда флористиканинг маршрутли, ярим стационар, систематик, ареологик, биоморфологик усуллари, шунингдек, рақамли маълумотлар базаси ва ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

илк бор Торкопчиғай ботаник-географик райони флорасининг 74 оила ва 384 туркумга мансуб 964 турни ўз ичига оловчи замонавий таркиби аниқланган;

илк бор Ўзбекистон флораси учун 3 тур, Ғарбий Ҳисор флораси учун 3 тур келтирилган;

генезиси қадимги ўртаерденгизи флорасидан иборат бўлган Торқоччиғай ботаник-географик райони флораси етакчи оила ва туркумлар таркибига кўра тоғли ўртаосиё провинцияси жанубидаги қурғоқчил районлар флорасини ўзида ақс эттириши исботланган;

тўр тизимли хариталаш асосида кўпчилик турларни гипсли, олажинсли, тошли-шагалли экотопларда учраши, уларнинг ақсарияти Ўрта Осиё тоғ флораси учун характерли бўлган гемикриптофитлардан иборат эканлиги аниқланган;

Торқоччиғай ботаник-географик райони Тоғли ўртаосиё провинцияси Ғарбий Ҳисор округи таркибиде ажратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Торқоччиғай ботаник-географик райони флорасидаги 964 турнинг замонавий тарқалишини ақс эттирувчи тўр тизимли харитаси ишлаб чиқилган;

илк маротаба сўйиги юз йил мобайнида тўпланган ботаник маълумотларни ўзида жамлаган Торқоччиғай ботаник-географик райони флорасининг рақамли маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги табиий флоралар таркибидеги турларни биологик хужжатлаштириш ва кенг қўламли таҳлилини амалга оширишда замонавий тадқиқот усуллар қўлланилганлиги ва олинган амалий натижаларнинг табиатни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган ваколатли ташкилотлари фаолиятига жорий этилганлиги, йиғилган гербарий намуналарининг Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар билан таққосланганлиги ва Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Россия Фанлар Академияси Ботаника институти (LE) ҳамда В.Л.Ломоносов номидаги Москва давлат университети гербарийсида (MW) сақланаётганлиги, диссертация ишининг давлат илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор ботаник-географик район кесимида табиий флора конспектини тузилганлиги, Торқоччиғай ботаник-географик райони флорасининг ўзига хос хусусиятларини аниқланганлиги, Ўзбекистон флораси ҳамда Ғарбий Ҳисор учун қатор янги турларнинг топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар Қашқадарё вилояти ўсимликлар қопламини муҳофаза қилиш, узок йиллар давомида мониторингини олиб бориш ва улардан барқарор фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш учун асос сифатида хизмат қилади. Шунингдек, илмий-амалий аҳамияти, олинган маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” нинг навбатдаги нашрига очерклар тайёрланиши ҳамда тўр тизимли хариталаш усулида баҳолаш тадқиқотларининг йўлга қўйилганлиги билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Торқоччиғай ботаник-географик райони флорасини тадқиқ қилиш доирасида олинган

натижалар асосида:

Торкопчиғай ботаник–географик районида тарқалган 74 оила, 384 туркумга мансуб, 964 турнинг тарқалиш хариталари ва муҳофазасига доир маълумотлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 сентябрдаги 05-02/8-547-сон маълумотномаси). Натижада, худуддаги 17 оила, 30 туркумга мансуб 41 та камёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

доривор (235 та), озуқабоп (80), асал-ширали (173), эфир-мойли (100), бўёқбоп (64), ем-хашак (280), манзарали (154) ўсимлик турларининг тўр тизими (ГАТ) хариталари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 сентябрдаги 05-02/8-547-сон маълумотномаси). Натижада, иктисодиёт аҳамиятига эга турларнинг ўсиш маконларини белгилаш ва ресурсбоп худудларини аниқлаш имконини берган;

Торкопчиғай ботаник–географик районида тарқалган 964 турга мансуб юксак ўсимликларининг гербарий намуналари Ботаника институти Миллий гербарийси (TASH) ноёб объекти фондига топширилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 29 октябрдаги 4/1255-2343-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар Ғарбий Ҳисор округи худудидан йиғилган гербарий фондини бойитган ва Ўзбекистон флорасининг электрон маълумотлар базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг аиробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Торкопчиғай ботаник-географик райони (ТБГР) флорасининг таксономик таҳлили**” деб номланган биринчи бобида флоранинг кенг қўламли таксономик таҳлил қилиш асосида олинган натижалар келтирилган. Бобнинг биринчи бўлими Торкопчиғай ботаник-географик райони ва унга ёндаш бўлган худудларда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлиliga бағишланган. Дастлабки мақсадли тадқиқотлар С.Н.Кудряшов (1941) томонидан олиб борилган геоботаник изланишлар бўлиб, “Растительность Гузара” рисоласида 399 тур бўйича маълумот келтирилган. Навбатдаги тадқиқотлар С.М.Мустафаев (1966) томонидан олиб борилган ва Қашқадарё ҳавзасидаги ўсимлик ресурсларига бағишланган. Унда жами 73 оила, 473 туркум ва 1184 тур, жумладан 74 эндем юксак ўсимлик қайд этилган. Торкопчиғайга яқин бўлган худудларда олиб борилган тадқиқотлар каторига Ю.В.Абрамовнинг (1975) Қашқадарёнинг чап ирмоғи бўлмиш Лангар ҳавзасида олиб борган изланишларини киритиш мумкин. Унда Лангар ҳавзаси флораси учун 786 тур келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида тадқиқот объекти ва методлари ёритилган. Дала тадқиқотлари давомида терилган гербарий намуналарининг таксономик бирликларини аниқлашда Ўрта Осиё ўсимликлар аниқлагичи (1963–2015), Ўзбекистон флораси (1941–1962; 2016–2019), СССР флораси (1934–1964), асарларидан фойдаланилган. Ареалогик таҳлиллари Р.В.Камелин (1973, 1976, 1990) ишлари асосида амалга оширилган. Флора конспектида таксонлар ўсимлик дунёсининг замонавий филогенетик тизимларига асосан жойлаштирилган: Спорали ўсимликлар Christenhusz & al. (2011), Очиқ уруғли ўсимликлар Christenhusz & al. (2011) бўйича, Ёпик уруғли гулли ўсимликлар APGIV (2016) замонавий тизими асосида жойлаштирилди.

Бобнинг учинчи бўлими тадқиқотлар давомида Ўзбекистон ва Ғарбий Ҳисор учун аниқланган янги флористик топилмалар ва флоранинг конспектига бағишланган. Муаллифнинг шахсий маълумотлари ва TASH фондида сақланаётган намуналарни танқидий таҳлил қилиш натижасида, аввал Ўзбекистон флораси учун 3 тур ва Ғарбий Ҳисор тизмаси учун келтирилмаган 3 тур аниқланган.

Ўзбекистон флораси учун янги аниқланилган турлар

***Gamanthus leucophysus* Botsch., Bot. Mater. Gerb. Bot. Inst. Komarova Akad. Nauk S.S.S.R. 22: 97 (1963).**

(-*Halimocnemis leucophysa* (Botsch.) Akhani, Int. J. Pl. Sci. 168: 948 (2007)).

Кашқадарьинская область, Кунгират, низовья Таркапчиғай, погранзона, нейтралка, 28.06.2018. Мальцев. E66,326748; N38,075488.

***Sibbaldianthe bifurca* (L.) Kurtto & T.Erikss., Ann. Bot. Fenn. 139 (2003).**
-*Potentilla bifurca* L., Sp. Pl.: 497 (1753).; ≡ *Fragaria bifurca* (L.) Crantz, Inst. Rei Herb. 2: 177 (1766). ≡ *Schistophyllidium bifurcum* (L.) Ilkonn., Opred. Vyssh.Rast. Badakhshana: 210 (1979).

Кашкадарьинская область, Дехканабадский район, Каттапай, Илондара, 28.05.2018. Абдураимов. E66,44202; N38,10297.

***Oxybasis urbica* (L.) S.Fuentes, Uotila & Borsch**, Willdenowia 4 15 (2012). (= *Chenopodium urbicum* L., Sp. Pl.: 218 (1753).) = *Atriplex urbica* (L.) Crantz, Inst. Rei Herb. 1: 206 (1766). = *Blitum urbicum* (L.) Theodorova, Fl. Sredn. Polosy Evropeiskoi Chasti: 570 (2014).
Окрестности г. Гузара. По берегам арыка, 1935. Кудряшев. E66,141552; N38,577292.

Ғарбий Хисор тизмаси флораси учун аниқланилган янги турлар

***Astragalus macrotropis* Bunge**. Mém. Acad. Imp. Sci. St.-Petersbourg, Sér. 7. 11(16): 127 (1868); 15(1): 223 (1869).

= *Philammos macrotropis* (Bunge) Nevski. Trudy Bot. Inst. Akad. Nauk S.S.S.R., Ser. 1, Fl. Sist. Vyssh. Rast. 4: 252 (1937). = *Tragacantha macrotropis* (Bunge) Kuntze. Revis. Gen. Pl. 2: 946 (1891). Бассейн реки Кашка-Дарья в 3 км к северу кишлак Чак-чак, Дехканабадского района на западном склоне, 15.05.1959. Ли, Ниязов. E 66,8379; N 38,273827.

***Taraxacum microspermum* Schischk.** Bot. Mater. Gerb. Bot. Inst. Komarova Akad. Nauk S.S.S.R. 7: 10 (1937). = *Taraxacum compactum* Schischk. Sist. Zametki Mater. Gerb. Krylova Tomsk. Gosud. Univ. Kuybysheva 1-2: 5 (1949).

Памиро-Алай. Пестроцветные низкогорья к юго-востоку от г. Гузар. Кизилча, 23.04.1935. Лепешкин. E 66,220682; N 38,279765.

***Juncus heptopotamicus* V.I.Krecz.**, V.L.Komarov (ed.), Fl. URSS 3: 628 (1935). = *Juncus heptopotamicus* var. *yiningensis* K.F.Wu. Acta Phytotax. Sin. 32(5): 447 (1994).

Кашкадарьинская обл, южнее сел. Дехканабад верховья р. Тулгаша-сая, 23.05.1947. Короткова. E 66,283300; N 38,391578.

Бобнинг туртинчи бўлими флоранинг таксономик таҳлилига бағишланган. Ҳозирги кунгача худудда олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти ўсимликлар копламини ўрганишга бағишланган (Кудряшов, 1941; Овчинникова, 1955; Алланазарова, 1969). *Ferula tadshikorum* Rimenov каби юкори талабга эга бўлган ўсимлик турларининг захиралари ҳақидаги маълумотлар турли йиллардаги илмий ҳисоботларда келтирилган (ПЗ-20170920219). Турларнинг хилма-хиллиги борасидаги келтирилган мавжуд маълумотлар эскирган ёки ҳозирги кундаги таҳлиллар учун етарли даражада эмас (Мустафаев, 1966). Шу муносабат билан флора таркиби асосан муаллифнинг шахсий гербарий йиғмалари ва гербарий фондларнинг таҳлили асосида тузилган. 2018–2021 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида 74 оила, 384 туркумга мансуб 964 тур аниқланди. Флора таркибининг илмий таксономик бирликларнинг ўзаро нисбати тоғли Ўрта Осиёнинг жанубий қисмидаги бошқа маҳаллий флораларидан тубдан фарқланмайди. Спорали ўсимликлар (Equisetaceae ва Aspleniaceae) 2 оила, 2 туркумга мансуб 4 тур (0.40%) билан иштирок этади. Очик уруғлилар 2 оила

(Ephedraceae, Cupressaceae), 2 туркумга мансуб 5 тури таркалган (умумий флоранинг 0.51%).

Ёпик уруғлилар мазкур худудда 955 тур билан иштирок этиб, жами турларнинг 99.09% ташкил этади. Икки уруғпаллалилар (Eudicots) 779 тур (80.82%), бир уруғпаллалилар (Monocots) 176 тур (18.27%) билан иштирок этади. Бир уруғпаллалари ва икки уруғпаллаларнинг умумий нисбати 1:4.40 ташкил этади. Бирмунча салмокли кўрсаткич битта оилга тўғри келадиган турларнинг ўртача сони ҳисобланади. ТБГР флорасида битта оилга ўртача ҳисобда 5.18 туркум ва 13.02 тур тўғри келиши аниқланди (1:5.18:13.02). Флорадаги барча таксонлар ва уларнинг сони, фойз улуши 1-жадвалда келтирилган. Флоранинг асосий жиҳати турлар сони бўйича етакчи ўринда турувчи оила ва туркумлар кетма-кетлиги (спектри) орқали ҳам намоён бўлади (Тожибаев, 2010).

1-жадвал

Торкопчиғай ботаник-географик райони флораси йирик таксономик бирликларнинг нисбати

Таксонлар	Сони					
	Турлар		Туркумлар		Оила	
	сони	%	сони	%	сони	%
Equisetophyta	4	0.40	2	0.52	2	2.70
Gymnospermae	5	0.51	2	0.52	2	2.70
Mesangiosperm:	955	99.09	380	98.95	70	94.6
Eudicots	779	80.82	320	83.33	57	77.03
Monocots	176	18.27	60	15.62	13	17.57
Жами	964	100	384	100	74	100

Етакчи полиморф оилаларнинг таҳлилини амалга оширишда 17 тадан ортиқ турга эга бўлган 14 оила эътиборга олинди. Мазкур оилаларда 725 тур жамланган бўлиб, умумий флоранинг 75.20% ташкил этади. Етакчи оилалар кетма-кетлигини Asteraceae (146 тур–15.15%), Fabaceae (108–11.20%), Poaceae (92–9.54%), Brassicaceae (69–7.79%), Apiaceae (50–1.9%), Lamiaceae (47–4.9 %), Amaranthaceae(43–4.5%) Caryophyllaceae (38–3.94 %), Ranunculaceae (29–3.01), Boraginaceae (28–2.90%) ва бошқалар эгаллаган. Етакчи оилалар спектри Помир-Олойдаги маҳаллий флоралар спектрига тўғри келади ва Ўрта Осиёнинг тоғли қисми учун хос бўлган қонуниятга (Камелин, 1973, 1990; Кармышева, 1987; Тожибаев, 2010 ва бошқ.) бўйсунди. Флора таркибида 384 туркум бўлиб, битта туркумга 2.51 тур тўғри келади. Флорадаги йирик туркумлар сони 14 та бўлиб, улар қаторига 8 та ундан ортиқ сондаги турларга эга бўлган туркумлар киритилган. Улар ўз ичига 215 (умумий флоранинг 22.24 %) турни олади (2-жадвал).

Замонавий флористикада, хусусан маҳаллий флораларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлилини амалга оширишда турларни тарқалишини тўр тизимли хариталарда ифодалаш оммалашиб бормоқда (Серегин, 2014). Мазкур йўналиш нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё маҳаллий флораларини таҳлил қилишдаги янги йўналишдан бири ҳисобланади (Қодиров, 2020).


ТБГР флорасининг тур тизимли харитасини яратишда кенг фойдаланиладиган икки асосий курсаткич: турларнинг катаклар буйича сони (*species richness*) ва йигилган гербарий намуналар сони (*collection density*) асосий мезон сифатида олинди.

Торкопчиғай денгиз сатҳидан 450-2172 м баландликларни уз ичига олади. Худудни минтакаларга булишда Қ.З.Зокиров (1955) классификациясидан фойдаланилди (1-расм).

2-жадвал

Полиморф оила ва туркумларнинг спектри


Оила	Туркум сони	Тур сони	%	Туркум Сони	Тур сони	%
<i>Asteraceae</i>	58	146	15.15	<i>Astragalus</i>	55	5.70
<i>Fabaceae</i>	21	108	11.20	<i>Cousinia</i>	22	2.28
<i>Poaceae</i>	40	92	9.54	<i>Artemisia</i>	20	2.07
<i>Brassicaceae</i>	40	69	7.79	<i>Allium</i>	17	1.76
<i>Apiaceae</i>	25	50	5.19	<i>Gagea</i>	14	1.45
<i>Lamiaceae</i>	19	47	4.9	<i>Ranunculus</i>	14	1.45
<i>Amaranthaceae</i>	24	43	4.5	<i>Euphorbia</i>	11	1.14
<i>Caryophyllaceae</i>	14	38	3.94	<i>Bromus</i>	11	1.14
<i>Ranunculaceae</i>	9	29	3	<i>Ferula</i>	9	0.93
<i>Boraginaceae</i>	16	28	2.90	<i>Silene</i>	9	0.93
<i>Liliaceae</i>	3	21	2.28	<i>Salvia</i>	9	0.93
<i>Rosaceae</i>	8	20	2.18	<i>Scrophularia</i>	8	0.82
<i>Caprifoliaceae</i>	6	17	1.8	<i>Convolvulus</i>	8	0.82
<i>Amaryllidaceae</i>	1	17	1.8	<i>Elywendia</i>	8	0.82
Жами	284	725	75.20	Жами	215	22.24




1-расм. Флорада тарқалган турларнинг тик минтакаларда жойлашуви

Худуднинг чул минтақаси (450-700 м) 89 катакдан иборат бўлиб, умумий майдоннинг 42,8 %. адир минтақаси (700-1200 м) 71 катакдан иборат бўлиб, 34,13 % ҳамда тоғ минтақаси (1200-2174 м) 48 катакдан иборат бўлиб, худуднинг 23,07 % ташкил этиши кузатилди. Худуднинг чул минтақасида 368, адирда 500 ҳамда тоғ қисмида 752 тур учраши аниқланди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ТБҒР флораси тоғлиўртаосиё провинциясида бой бўлмаган локал флора ҳисобланади. Флоранинг тур тизимли харитаси хар бирининг майдони 5x5 км бўлган 208 та квадратлар (катак) асосида шакллантирилди. Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, 1 та катакда гербарий намуналари бўйича энг юқори кўрсаткич 103 та, аниқланган турларнинг энг юқори кўрсаткичи 89 та эканлиги кайд этилиб, 1 турга 4.40 та гербарий намунасига тўғри келиши аниқланди (2-расм).

Турларнинг тадқиқот ҳудуди бўйлаб тарқалишини янада тўларок ёритиш мақсадида етакчи полиморф оилалари қисмида ҳам тур тизимли хариталар яратилди. Қуйида намуна сифатида, Asteraceae оиласи вақилларининг тур тизимли харитадаги таҳлили баён этилган (3-расм).



2-расм. Йиғмалар зичлиги (*collection density*) ва турлар хилма-хиллиги (*species richness*) ва бўйича тайёрланган тур тизимли хариталар



3-расм. Asteraceae оиласининг турлар хилма-хиллиги (*species richness*) ва йиғмалар зичлиги (*collection density*) бўйича тур тизимли хариталари

Asteraceae турлари сони бўйича Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг барча маҳаллий флораларида етакчилик қилади (Тожибаев, 2010). ТБҒР флорасида бу оиланинг 58 туркумга оид 146 тури кайд этилиб, *Cousinia*

(22/2.28 %), *Artemisia* (20/2.07 %), *Centaurea* (6/0.22%) туркумларини етакчилик қилиши аниқланди. Asteraceae вакиллари флоранинг (208 катакларнинг) 112 тасида қайд этилди ва умумий катакларнинг 53.84 % ташкил қилади. *Cousinia*, *Artemisia* турлари улуши юкори бўлиб, улар иштирокида 22 ва 20 тадан тур аниқланди. Оиланинг гербарий намуналарининг тўр тизимли харитасида *Cousinia* (78 та), *Artemisia* (65 та) турлари гербарий намуналари сони бошка туркумлардан кўп. Гербарий намуналари асосида тайёрланган тўр тизимли харитада битта катакдаги намуналарнинг энг юкори қиймати 30 тани ташкил қилади (3-расм). Қолган оилалар бўйича маълумотлар батафсил тарзда диссертацияда келтирилган.

Диссертациянинг «Торқопчиғай ботаник-географик райони флорасининг кенг қўламли таҳлили» деб номланган иккинчи бобида флоранинг географик, биоморфологик ва қиёсий таҳлил натижалари келтирилган. Биринчи бўлим турларнинг ареал типлари бўйича тақсимланишига бағишланган. Торқопчиғай ботаник–географик райони флорасидаги турларнинг табиий тарқалиш чегараси 42 ареал типларига хос бўлиб, улар 7 ареал синфи таркибига қиради (3-жадвал).

3-жадвал


Торқопчиғай ботаник–географик райони флорасининг географик спектри

№	Ареал синфлари	Ареал типлари сони	Турлар сони	%
1	Помиролоӣ	9	167	17.32
2	Тоғлиуртаосиё	3	120	12.45
3	Ўртаосиё	7	165	17.12
4	Қадимийўртаерденгизи	8	292	30.3
5	Палеарктик	11	135	14.00
6	Голарктик	3	54	5.6
7	Плюрирегионал	1	31	3.21
	Жами	42	964	100

Ареал синфлари бўйича таҳлиллар. Қадимийўртаерденгизи ареал синфига мансуб (292/30.3%) турлар етакчилик қилишини кўрсатди (4-расм). Умуман олганда эса, тарқалиши Қадимийўртаерденгизи вилояти (Попов бўйича, 1963) худудидан ташқарига чиқмайдиган турлар флоранинг 78% дан ортиғини ташкил этади. Бу кўрсаткич Тоғли Ўрта Осиёдаги бошка айрим флоралардан бирмунча юкори туради (Камелин, 1990; Ибрагимов, 2008; Азимова, 2017). Мазкур диссертация тадқиқотида тўр тизимли хариталаш марказий ўрин тутганлиги сабабли флорадаги географик элементларнинг тарқалишини график тарзда кўрсатишга катта эътибор қаратилди. Қадимийўртаерденгизи ареал синфига мансуб турлар 208 та катакдан 123 тасини (59.13 %) камраб олади. Қайд этилган 1 та катакдаги турлар сонининг юкори кўрсаткичи 15-44 турни ташкил этади (3 та катак). Гербарий намуналарининг катакларда жойлашини қуйидагича тақсимланди: 1-3 намуна (73 катак), 4-6 та намуна (29 катак) ва 7-10 та намуна (12 катак) ва 11-14 та намуна 6 та катакда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу ареал синфи қолган ареалларга нисбатан кўпроқ худудни эгаллайди (4-расм).

Тадкикотлар давомида ареал синфлари кесимида турларнинг ҳаётий шакллар бўйича тақсимланиши ҳам таҳлил килинди. Унга кўра, масалан, Қадимийўртаерденгизи синфи доирасида терофитлар етакчилик килиши ва шу ареал синфига мансуб бўлган турларнинг 44 % айнан бир йиллик ўсимликлар ҳисобига тўғри келиши аниқланди.

Иккинчи бўлим С. Raunkiaer (1934) таснифи асосида турларнинг ҳаётий шакллар бўйича тақсимланишига бағишланган (4-жадвал).



4-расм. Қадимийўртаерденгизи ареал синфи

4-жадвал

Торкопчиғай ботаник–географик райони флораси таркибининг биологик спектри


Ареал синфлари	Ҳаётий шакллари					Жами
	Фанерофит	Хамефит	Темикриптофит	Криптофит	Терофит	
Помиролой	11	13	86	28	29	167
Қадимийўртаерденгизи	19	15	116	18	124	292
Ўрта Осиё	15	11	61	25	53	165
Тоғлиўртаосиё	8	8	58	25	21	120
Плурирегионал	1	-	14	-	16	31
Голарктик	1	2	25	2	24	54
Палеарктик	2	2	64	2	65	135

ТБГР флорасида фанерофитлар 17 оила, 29 туркумга мансуб 57 турдан иборат ва флоранинг 5.91 % ташкил этади. Фанерофитларнинг турлар сони бўйича юқори улуши асосан – *Tamarix* (7), *Ephedra* (4), *Rosa* (4), *Atraphaxis* (3) туркумларидан кўринса, уларнинг муҳит ҳосил қилувчи (эдификаторлик) ўрни *Juniperus* (1 тур), *Salix* (2), *Lonicera* (1), *Acer* (2) сингари туркуми турларининг ишгиرويоки оркали намоён бўлади.

Хамефитлар, ТБГР флорасида 9 оила, 19 туркумга мансуб 51 турдан (5.19%) иборат. Улар орасида ксерохамефитлар етакчилик қилиб, қурғоқчил

мухит шароитининг устунлик килишини кўрсатувчи индикатор ҳисобланади (Камелин, 1973; Тахтаджян, 1985). Гемикриптофитлар умумий флоранинг 43.98 % ташкил қилади. Ўсиш мухити хусусиятлари, хусусан курук ва чуллаган иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда гемикриптофитлар орасида илдиэполия (*Calamagrostis*, *Mentha*, *Origanum*) ва чимли (*Stipa*, *Poa*, *Puccinellia*) кўп йиллик ўтлар етакчилиги қилади.

Флора таркибида терофитлар 332 тур билан иштирок этиб, умумий флоранинг 34.44 % ташкил қилади. Камелин (1973) фикрига кўра, мазкур ҳолат бевосита худуднинг иқлим хусусиятлари билан узвий боғлиқ. Терофитларнинг аксарияти (121 тур) Қадимий ўртаерденгизи ареаллар синфига мансуб бўлиб, умумий флоранинг 12.55 % ташкил этади. Тадқиқ этилаётган флора таркибида криптофитлар 100 тур (10,38 %) билан иштирок этади. Мазкур турларнинг асосий улушини геофитлар ташкил қилади. Гелофитлар ва гидрофитларни (*Potamogeton perfoliatus*, *Agrostis stolonifera*) жуда кам сондаги турлар билан иштирок этиши худуднинг табиий иқлим шароитларидан келиб чиқади. Турларнинг ҳаётий шакллар бўйича тахлили ҳам тўр тизимли хариталар орқали ифодаланди. Мисол тариқасида гемикриптофит ва терофит ҳаётий шаклига мансуб бўлган турлар иштирокидаги маълумотларни 5-расмда келтирилган.



5-расм. Гемикриптофит ва терофит ҳаётий шаклларидаги турларнинг тўр тизимли харитаси

Флоранинг тўр тизимли харитаси ҳаётий шаклларнинг худуд бўйлаб тақсимланишини таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, гемикриптофитлар 115 та катак билан иштирок этиб, умумий катакларнинг 55.28 % ташкил қилади. 85 катакда 1 тадан 6 тагача бўлган намуналар учрайди. Қолган кўрсаткичлар қуйидагича тақсимланди: 7–10 та (12 катак), 11–13 та (7 катак), 14–16 (8 катак) Б7, Б8, В11, Ж23, З13, З15, З24, И18 катаклари ва 17–40 (3 катак) К13 ва М7, З14 катаклари ҳисобига тўғри келади. 1 та катакдаги энг юқори кўрсаткич 40 тани ташкил қилади, бу кўрсаткич З14 катаги ҳисобига тўғри келади.

Терофит турлар эса флорада 120 та катак билан иштирок этиб, умумий микдорнинг 57.69 % ташкил этади. 1 тадан 3 тагача бўлган намуналар энг кўп катакларда тарқалган бўлиб, 65 та катакни камраб олади. Кейинги ўринларда тақсимланиш қуйидагича амалга ошди: 4-6 та намуна (27 катак), 7-11 та


намуна (21 катак), 12-20 та намуна (5 катак). Энг юкори кўрсаткич 21-43 тани гашкил этади. Қолган хаётий шакллар буйича маълумотлар диссертацияда бағафсил келтириб ўтилган.

Учинчи бўлим флоранинг киёсий тахлилига бағишланган. Қиёслаш, Сирдарё Қоратоғи (Камелин, 1973), Бойсун ботаник-географик райони (Тургинов, 2017), Нурота кўриқхонаси (Бешко, 1999), Сурхон кўриқхонаси (Ибрагимов, 2008) флоралари билан амалга оширилди. Торқопчиғай БГР флорасини қиёсланаётган бошка флоралар билан умумий турларини акс эттирувчи Жаккард коэффицентини (K_j) асосий мезон сифатида олинди (Шмидт, 1987).

Бунда Бойсун БГР флорасида 733 тур (K_j -0.41), Сирдарё Қоратоғида флораси— 552 тур (K_j -0.27), Нурота кўриқхонаси флорасида—391 тур (K_j -0.28) ва Сурхон кўриқхонаси флорасида—529 тур (K_j -0.44) бир хил эканлиги аниқланди. Ўхшашликнинг асосий қисми, Помир-Олойнинг автохтон турлари, хусусан, *Apiaceae* (*Elaeosticta*, *Elwendia*), *Fabaceae* (*Astragalus*), *Asteraceae* (*Cousinia*), *Amarydalliaceae* (*Allium*), *Lamiaceae* (*Salvia*, *Phlomis*, *Phlomis*) ва *Ranunculaceae* (*Delphinium*, *Ranunculus*) турларига тўғри келади.

Торқопчиғай ботаник-географик райони флораси киёсий тахлил (K_j) натижалари шуни кўрсатадики, Торқопчиғай флораси кўшни флоралардан сезиларли даражада фарқ қилади. Флоранинг етакчи оила ва туркумлари спектри уни Тоғли Ўрта Осиёнинг жанубидаги арид минтақалар учун ўзига хослигини ифодалайди. Қиёсланаётган флораларда Қадимийўртаерденгизи, Помиролой ва Ўртаосиё ареал синфи вакиллари умумий турларнинг асосини ташкил этади.

Диссертациянинг “Торқопчиғай ботаник-географик райони флорасининг эндем ва камёб турлари” деб номланган учинчи боби флоранинг эндемизм фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2019) киритилган турларга бағишланган.



6-расм. Торқопчиғай ботаник-географик райони флораси эндем турларининг ГИС хариталари

Торкопчиғай ботаник-географик райони флорасида 5 эндем (*Silene kudrjashevii*, *Eversmannia botschantzevii*, *Phlomoides gypsacea*, *Tulipa uzbekistanica*, *Allium botschantzevii*) (6-расм) ва 15 та субэндем турлар тарқалганлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлими Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турларга бағишланган бўлиб, “Қизил китобга” ТБҒР флорасидан 41 тур киритилган. Флорадаги камёб турлар Ўзбекистон Қизил китобига киритилган турларнинг 12,65 % ни ташкил қилади.

Диссертациянинг **“Торкопчиғай ботаник-географик райони флорасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор округидаги тугган ўрни”** деб номланган тўртинчи боби флоранинг чегаралари ва уни округда тугган ўрнини белгилаш тўғрисида маълумотлар берилган.

Жануби-Ғарбий Ҳисор округи жойлашган ўрни, лаидшафтлари, тупроғи (олажинсли, охақтошли, гипсли), ўсимлик қоплами, флора хилма-хиллиги ҳамда ундаги реликт, эндем турлар салмоғига кўра, Ғарбий Помир Олойда алоҳида ўринга эга. Тожобаев ва бошқ. (2016) маълумотларига кўра, округнинг Ўзбекистон қисмида ареали тор битта эндем *Calispepla* Vved. (Fabaceae), 4 та субэндем *Kuhitangia* Ovcz. (Caryophyllaceae), *Lipskya* (K.-Pol.) Nevski (Apiaceae), *Spirostegia* Ivanina (Scrophulariaceae) ва *Vvedenskya* Korovin (Apiaceae) туркум ҳамда 121 та эндем тур тарқалган. Худуднинг ноёб элементлари таркибида Тоғлиўртаосиё провинцияси эндеми бўлган *Lipskya* ва *Spirostegia* туркумлари учрайди. Флоранинг эндемизм фракцияси таркибида, худудда тарқалиш ареали тор бўлган *Allium botschantzevii*, *Eversmannia botschantzevii*, *Tulipa uzbekistanica*, *Phlomoides gypsacea*, *Silene kudrjashevii* ҳамда Ғарбий Ҳисор учун эндем бўлган *Ferula tuberifera*, *Heliotropum bucharicum*, *Jurinea gracilis*, *Salvia lilacinocoerulea*, *Spryginia undulata* ва бошқалар учрайди. Флора таркибида Помир-Олой тизмасининг ноёб реликт тури - *Astragalus thlaspi* популяцияларининг мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Торкопчиғай ботаник-географик райони флорасининг рақамли маълумотлар базаси”** деб номланган бешинчи боби тадқиқот худудининг флораси тўғрисида маълумотлар ва ахборотларни тақдим этиш учун мўлжалланган флоранинг рақамли маълумотлар базасига бағишланган.

Мазкур базада 964 та ўсимликнинг тавсифи, коллекторлар, ҳаётий шакллари, тик минтақалар бўйича тақсимланиши, тупроғи, ареал типиди, тизмалар ва минтақалар кесимида тарқалиши, ҳўжаликдаги аҳамияти, эндем турлар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар ва ҳар бир турнинг фотосуратлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Рақамли маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасига фойдаланиш учун тақдим этилган.

ХУЛОСАЛАР

«Торкопчиғай ботаник-географик райони флораси» мавзусидаги фалсафа доктори диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Торкопчиғай ботаник-географик райони замонавий флораси 74 оила, 384 туркумга мансуб 964 турдан иборат. Унинг таркибида Ўзбекистон флораси учун 3 тур, Ғарбий Ҳисор флораси учун 3 янги тур илк бор келтирилди.

2. Торкопчиғай флорасида аниқланган 964 турнинг замонавий тур тизими харитаси геоахборот тизимида яратилди. 5x5 км ўлчамдаги 208 катакчалар шакллантирилган бўлиб, 735 тур (76,24%) 1 дан 10 тагача катакчаларда учрайдиган ўсимликлардан иборат. Қолган 229 тур (23,76%) 10 тадан 30 тагача бўлган катакчаларда жойлашган.

3. Торкопчиғай ботаник-географик райони флораси типик Помиролой флораси ҳисобланиб, генезисининг асосини Қадимийўртаерденгизи вилояти турлари (69.71) ташкил этади.

4. Торкопчиғай ботаник-географик райони флораси киёсий таҳлил (K_j) натижалари шуни кўрсатадики, Торкопчиғай флораси қўшни флоралардан сезиларли даражада фарк қилади. Флоранинг етакчи оила ва туркумлари спектри уни Тоғли Ўрта Осиёнинг жанубидаги арид минтакалар учун ўзига хослигини ифода қилади.

5. Торкопчиғай флорасида гемикриптофит ҳаётий шакллар доминантлик қилиб, мазкур кўрсаткич Ўрта Осиёнинг тоғли қисми, хусусан Ғарбий Ҳисор флорасининг умумий хусусиятларига мос келади.

6. Торкопчиғай флорасида Ўзбекистоннинг 5 эндем 15 субэндем тури, флорадаги камёб турлар, табиий ўсимликлар қоплами, флоралар киёсий таҳлилининг 0,5 коэффициентдан камлиги ҳамда худуднинг табиий шароити (ола жинсли, гипсли тупроқ ва текисликлар) Торкопчиғай районининг Тоғлиўртаосиё провинцияси Ғарбий Ҳисор округида мустақил район сифатида жойлашганлигини тасдиқлайди.

7. Камёб ва эндем турларнинг таҳлили тадқиқот худудини Ўрта Осиёдаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган ботаник худудлардан бири сифатида эътироф этиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» киритилган 17 оила 30 туркумга мансуб 41 камёб турлар ҳамда 5 та эндем, 15 та субэндем турларнинг тарқалганлиги буни асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

8. Торкопчиғай ботаник-географик райони флорасининг рақамли маълумотлар базаси ва турларни тарқалишини ақс эттирувчи тур тизими хариталари ўсимликлар хилма-хиллигини саклаш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирларига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУРАИМОВ АЗИЗБЕК СУЛТАНКУЛОВИЧ

**ФЛОРА ТАРКАПЧИГАЙСКОГО БОТАНИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
РАЙОНА**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.3.PHD/B236.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.botany.uz и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Тожибаев Комилжон Шаробитдинович**
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты: **Хасанов Фуркат Орунбаевич**
доктор биологических наук, профессор

Кодиров Гайрат Урокбоевич
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «17» декабря 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.B.39.01 при Институте ботаники (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за №45). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «29» ноября 2021 года.
(реестр протокола рассылки №1 от «29» ноября 2021 года).



О.К. Хожиматов
Заместитель председателя научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

Б.А. Адиллов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Х.Ф. Шомуродов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире интенсивное возрастание масштаба влияния антропогенных факторов на естественные экосистемы приводит к сокращению и регрессу биологического разнообразия. В разработке эффективных решений по охране объектов флоры, склонных к отрицательным воздействиям, важным считается формирование современной информационной базы о них. Соответственно, инвентаризация состава национальных флор, оценка современного состояния эндемичных и сокращающихся видов и разработка мер по их сохранению приобретают важное научно-практическое значение.

По всему миру большое внимание уделяется выявлению видового богатства флор разных ботанико-географических районов, определение границ нуждающихся в охране районов и сохранению растений в естественных местообитаниях. В том числе, формируются базы данных национальных флор, совершенствуются методы инвентаризации флоры, внедряются эффективные методы сохранения редких видов. Следует отметить, что происходящиеся в экосистемах изменения определяют актуальность выявления ключевых ботанических территорий в национальном и международном масштабе, изучения их генезиса и разработки научных основ мероприятий по их охране. Исследования таксономического разнообразия районов с богатым составом локальных эндемичных и реликтовых видов способствуют раскрытию сущности ботанико-географических районов и сравнительной оценке значения национальных флор в сохранении генофонда растений в глобальном масштабе. В этом отношении, периодическая инвентаризация малоизученных региональных флор, создание геоинформационных карт, отражающих современное распространение видов, составление цифровых баз данных, оценка состояния редких, эндемичных и хозяйственно ценных видов приобретают важное научно-практическое значение.

На сегодняшний день в нашей республике инвентаризации объектов растительного мира и их охране уделяется большое внимание. В этой области, в частности, выявлены флоры ботанико-географических районов республики, ведется государственный кадастр редких и экономически важных групп растений, внедрена практика сохранения редких видов в условиях *in-situ* и *ex-situ*. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечена задача “... предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды”. Исходя из этих задач, формирование современного состава природной флоры Узбекистана, в частности малоизученного Таркапчигайского ботанико-географического района Западногиссарского округа, создание базы данных и разработка мер сохранения редких видов имеет важное научно-практическое значение.

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Законом Республики Узбекистан №409 “Об охране и рациональном использовании растительного мира” от 21 сентября 2016 года, Постановлениями Кабинета Министров №1034 “О мерах по организации подготовки, издания и ведения Красной книги Республики Узбекистан” от 19 декабря 2018 года и №484 “Об утверждении стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы” от 11 июня 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

